

THE PLACE OF THE SPIRITUAL AND MORAL ENVIRONMENT IN THE FAMILY IN RAISING CHILDREN

Yusupova Hilola Musursmonovna
21st comprehensive school of Jomboy district
Mother tongue and literature teacher

Abstract:

The article considers the role of the spiritual and moral environment in the family in the upbringing of children, its specific functions. At the same time, the article addresses the issues of educating the younger generation as a mature person.

Basic concepts: Family, perfect person, Public policy, parenting, law, compulsion, family responsibilities, reproductive, economic, felicitological functions.

Мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, оилада фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериш, болалар ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш тарзини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

2017 йил 7 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да мамлакатда ижтимоий соҳани ривожлантириш, янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилди, унинг таркибида эса янги мазмун ва моҳиятдаги узлуксиз таълим тизимини шакллантириш бош йўналиш сифатида белгиланди ҳамда таълим жараёни субъектларининг билими, тарбияси ва маънавий қиёфасини юксак даражада шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди[2]. Бунда ёш авлод тарбиясида ота-онанинг ўрни, вазифалари, мажбуриятларини ҳам янги мазмун ва моҳиятда талқин қилишга эҳтиёж пайдо бўлди.

Оила- жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғинидир. У ўзида оила аъзоларининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, майллари, тарбияси ва бошқа ижтимоий фаолият турларини акс эттиради. Ота-оналарнинг бола шахсига илмий дунёқараш асослари, маънавий-ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир кўрсатиш жараёнига оилавий тарбия дейилади.

Оилалар республикамиз шаҳар ва қишлоқларининг ягона ижтимоий-иқтисодий умумийлиги асосида ривожланади. Айни пайтда оилавий турмуш ва оилавий тарбия ўзининг миллий хусусиятларига ҳам эгадир. Педагогик диагностикада оила тарбияси ўз миллий ва демографик хусусиятлари билан бир-биридан фарқланишини ҳисобга олиш зарур. Оилавий тарбияда оиланинг моддий фаровонлиги, маданий-маънавий савияси, осойишталиги, оила аъзоларининг сони, таркиби алоҳида аҳамият касб этади.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у болаларга ота-она, қон-қардошлик, авлод-аждод ҳислатларини узатади, унинг давомийлигини сақлайди, фарзандни шахс сифатида шакллантиради, ҳаётга тайёрлайди.

«Оилавий тарбия доимо ўзининг мураккаб ва қўп қирралилиги, ажойиб ва сержилолиги билан ажралиб туради»[6,14-б.]-, деб таъкидлайди А. Мунавваров. Ҳар бир оила ўзига хос бир олам, олам ичидаги ва шу билан бирга оламга сиғмаган олам, у тарбия ишида ўзига хос, такрорланмас хусусиятларни ўзида намоён қилади. Ана шунинг учун ҳам оилавий тарбиянинг ҳаммага маъқул тушадиган йўл-йўриқлари мавжуд эмас.

Ўзбек халқининг миллий хусусиятлари: ахлоқийлик, ўзини ўзи англаш, миллий туйғу, миллий маданият, миллий кийиниш ва юриш-туришда ўз аксини топадики, ўзбек оиласининг тузилиши ва шахслараро муносабатини ўрганишда буларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ўзбек оилалари тузилишига қуйидаги сифатлар хосдир: кўп болалилик; оилада отанинг бош тарбиячи сифатида намоён бўлиши; қариндошчилик, бир неча авлодларнинг биргаликда яшаши.

Педагогика ва психология фанларида ота-оналар билан иш олиб боришга доир турли хил ёндашувлар мавжуд. Булардан К. Леонгард, Мюнстенберг, Дембо-Рубинштейн, Е. Климов, И. Гребенников, А.Қ. Мунавваров, О. Мусурмонова, Ф. Акрамовалар томонидан ёш ва педагогик психологияга асосланган ҳолда яратилган маърифий-ахборотли ёндашувлардир. Бу ёндашувларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ота-оналарга узлуксиз ва маълум тизим асосида ёрдам бериш мақсадида оила учун оммавий таълим дастурлари ҳам ишлаб чиқилган. Бу дастурлар асосида оиланинг ёшлар тарбиясидаги ролини фаоллаштиришга муваффақ бўлинмоқда.

Маълумки, аниқ манзилга қаратилган ҳар қандай фаолият ўз самарасини беради, шунинг учун муайян ижтимоий- педагогик ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий педагогик ташхис асосида аниқлаб, уларга психологик ва методик ёрдам кўрсатиш, яъни оилада валеологик соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва болаларга тўғри тарбия бериш мақсадга мувофиқдир. Оила тарбиясида айнан оила диагностикаси муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар бир оиланинг эҳтиёжларини инobatта олган ҳолда уларга ижтимоий-педагогик ёрдам беришда махсус амалий ишлар (махсус практикумлар) муҳим аҳамиятга эга.

Оилада соғлом турмуш тарзини барқарорлаштириш бўйича амалий ишлар қуйидагича таснифланади:

- мақсадни белгилаш, яъни оиладаги эришилган ютуқларни аниқлаб, уларга суянган ҳолда ота-оналарнинг яна қандай имкониятларга эга эканликларини ҳамда қандай ёрдамга муҳтож эканлигини белгилаш;

- ҳаракатлар алгоритми, яъни ота-оналар орасида оила ташхисини ўрнатишга доир анкеталар тарқатиш, уларга жавоблар олиш, таҳлил этиш, уларнинг тавсифига кўра ота-оналарни кичик гуруҳларга ажратиш ва ташхис натижалари билан таништириш каби фаолиятдир;

- диагностика асосида педагогик консилиумларни ташкил этиш, психологик хизматни амалга ошириш режаларини тузиш ишлари амалга оширилади.

Болаларда ахлоқий фазилатларни оила ва оилавий муносабатларнинг психологик ҳолатини, муҳитни ўрганишга доир «Оилада педагогик муҳитни аниқлаш», «Типик оилавий ҳаёт», «Тўғалланмаган жумлалар», «Оиланинг кинетик расми» номли машҳур методикалардан фойдаланиш мумкин.

Фарзанд тарбиясида ота-оналарнинг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Педагогика фани Концепцияси» талаблари билан ҳамоҳанг равишда баркамол инсонни интеллектуал, маънан ва ахлоқан вояга етказиш учун зарур бўлган қуйидаги хусусиятларни шакллантиришга қаратилади:

- ижобий фазилатлар моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳлил қилиш, шахсий муносабатини билдира олиш;

- жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини эгаллаш;

- баркамол инсон сиймосини идрок этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш усуллариини излаш.

Ёшларни маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида оилаларда фарзандларнинг тарбияланганлик даражасини юқори поғонага кўтариш лозим. Чунки инсон тарбияси ва унинг тарбияланганлик даражаси ўз даврининг илмий-амалий мезонлари бўйича тадқиқ этишлик кўп асрлик фан тарихига эга. Инсониятнинг ер юзига келишидан эътиборан кишилар муайян социумнинг аъзоси тариқасида шахслараро муносабатга киришиши, мулоқот ўрнатиши, муомала маромига риоя қилиши лозим, деб белгиланиши тарбияланганлик ўлчовларининг вужудга келишига сабаб бўлган.

Тарбияланганликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат, деб ҳисоблайди мутафаккир Алишер Навоий:

— жаҳл чиққанда ўзини боса олиш; ҳар бир ишни қилганда “етти ўлчаб, бир кесиш”; сир сақлай олиш, мулоҳаза қилиб, айрим гапларни ичга ютиш;

— доимо ишонч билан яшаш ва олға интилиш; андиша чегарасидан чиқмаган ҳолда дадил бўлиш;

— биришни бошлагандан кейин уни охирига етказмай қўймаслик;

— топган-тутганини тежаб-тергаб сарфлаш ва ҳоказолар [7,114-б.]. Демак, маънавият, тараққиёт, ижтимоий онг, ақл-заковат, комфортга интилиш ҳисси тарбияланганликнинг ҳам ҳаракатлантирувчиси, ҳам механизми, ҳам зарурат эканлигини таъкидловчи омил бўлиб хизмат қилган ва бундан кейин ҳам кўп функционал вазифани адо этаверади.

Аз-Замахшарийнинг фикрича, тарбияланганликнинг ўнта нишонаси фарқланади:

— биринчиси- халқ тўғри деб топган нарсани нотўғри деб қарамаслик;

— иккинчиси — ўз нафсига эрк бермаслик;

— учинчиси— бировдан айб қидирмаслик;

— тўртинчиси — ёмонликни яхшиликка йўйишлик;

— бешинчиси — агар гуноҳкор узр сураса, узрини қабул қилиш;

— олтинчиси — мухожирлар ҳожатини чиқариш;

— еттинчиси — эл ғамини ейиш;

— саккизинчиси — ўз айбини тан олиш;

— тўққизинчиси — эл билан очиқ юзли бўлиш;

— ўнинчиси — одамлар билан ширин муомалада бўлиш [5,11-б.].

Демак, болаларнинг ақлий, жисмоний, ахлоқий эстетик тарбиясига оилада асос солинади. Оила инсон деб аталувчи бинонинг фақат пойдеворини қўйиш билан чекланмай, балки унинг сўнги ғишти қўйилгунча жавобгардир. Жамиятнинг комил фуқаросини шакллантириш, тарбиялаш ҳозирги замон оиласининг муҳим функцияси даражасига киради. Чунки шахснинг ижтимоийлашуви даставвал оилада амалга ошади.

Никоҳ-оила муносабатлари юзага келган дастлабки, ибтидоий замонлардан буён унга характерли бўлган хусусиятлардан бири, оила аъзоларининг ахлоқий-психологик ҳимояланишини таъминлаш, ёш болаларга ва меҳнатга яроқсиз кишилар ёки кекса қариндошларга моддий-маънавий ва жисмоний ёрдам кўрсатиш кабилардан иборат бўлиб келган.

Бу ҳолат оиланинг рекреатив функциясини ташкил қилади. Оиланинг рекреатив функцияси- ўзаро жисмоний, моддий, маънавий ва психологик ёрдам кўрсатиш функцияларидан бири ҳисобланади.

Оиланинг муҳим бўлган функцияларидан яна бири-буунинг репродуктив (жамиятнинг биологик узлуксизлигини таъминлаш, болаларни дунёга келтириш) функциясидир. Бу

функциянинг асосий моҳияти инсон наслини давом эттиришдан иборатдир. Оиланинг вазифаси фақатгина янги авлодни дунёга келтирибгина қолмасдан, инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб яшаб келаётган илмий ва маданий ютуқлари билан таништирган ҳолда, уларнинг саломатлигини сақлаб туришдан ҳам иборатдир. Табиатан берилган авлод қолдириш инстинкти инсонда фарзанд кўришга уларни ўстиришга ва тарбиялашга бўлган эҳтиёжга айланади. Бу эҳтиёжларни қондирмасдан туриб, киши одатда ўзини бахтиёр ҳис эта олмайди.

Ҳозирги замон оиласининг тобора аҳамияти ортиб бораётган функцияларидан бири унинг фелицитологик функциясидир (итальянча «фелиците»- бахтдегани). «Шахсий фаровонликка эришишга интилиш оилавий муносабатлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи омил бўлиб бормоқда. Оилада эр-хотиннинг бир-бирини тўлиқ тушуниши-уларнинг ўзларини бахтли ҳис қилишларини таъминлайди. Шунингдек, ўзидаги мавжуд табиий-ижодий имкониятларни (иқтидорни) рўёбга чиқариш, жамият ва оила доирасида сарфлаш ҳам инсонга ўзини бахтли ҳис қилиш имконини беради»[8,17-б.]. Кейинги вақтларда инсоннинг имкониятлари ортган сари унинг бахтга интилиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Оиланинг регулятив функцияси оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини, шунингдек, бирламчи ижтимоий назоратни, оилада устунлик ва обрўни амалга оширишни ифодалайди. Бунда катталар томонидан ёш авлодни назорат қилиш ва уларни моддий ҳамда маънавий томондан қўллаб-қувватлаш назарда тутилади.

Шундай қилиб, оила функцияларининг муваффақиятли бажарилиши ҳар қандай оила бахтини таъминловчи мезон ҳисобланади. Шунинг учун оиланинг ўз функцияларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамиятнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади.

Оиладаги соғлом муҳит, одабийлик, инсонпарварлик муносабатлари фарзанднинг руҳий дунёсига ижобий таъсир кўрсатади. Ота-онанинг ўзаро яхши муносабати, меҳрибонлиги, ғамхўрлиги оиладаги фарзандларнинг муносабатларини тўғри шакллантиришга ёрдам беради. Она қизиди мулойимлик, ширинсуханлик, қизларга ҳосорият, уятчанлик, ибо, ифбат каби фазилатларни тарбиялаш билан бирга, унга уй-рўзгор юмушларини ўргатиш ҳам лозим. Ота ўғлида тўғрисузлик, меҳнатсеварлик, олижаноблик, фидойилик, саховатпешалик каби ҳислатларни шакллантириши билан бирга уйда эркаклар бажарадиган барча юмушлардан хабардор қилиши керак.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон республикасининг Конституцияси.-Тошкент, 1992
2. 2017—2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракат стратегияси. 7 январ 2017 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболлари бағишланган мажлисдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи// Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январ, №11
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. “Ўзбекистон” 2016.
5. Замахшарий Нозик иборалар.-Тошкент:Камалак, 2001.-11-бет.
6. Мунавваров А. Оила педагогикаси.-Тошкент:Ўқитувчи, 2009.-14 бет.

7. Навоий Алишер. Танланган асарлар. 5-жилд.-Тошкент:Қомуслар бош таҳририяти, 2010.- 345 б.
8. Шоумаров Ғ.Б. 101 саволга психологнинг 101 жавоби.-Тошкент:Молия, 2002.-17-бет.